

Шарҳ: Бир кишининг масжидга тушиб қолган чўпни олиб чиқиб ташлаши Пайғамбаримизга Ислон умматининг оладиган ажрлари қаторида кўрсатилиши масжидни пок сақлаш учун қилинадиган ишлар жуда ҳам фазилатли эканлигидан далолат бериб турибди. Шунинг учун ҳар доим масжидни пок тутишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Шу билан бирга, бу ҳадиси шарифда бир одамнинг ёдлаган оят ёки сурасини такрорламай, ёдидан чиқариб қўйиши жуда ҳам катта гуноҳ эканлиги баён қилинмоқда.

Аллоҳ берган улкан неъмат – ёд олган оят ва сураларимизни доимо такрорлаб, ёдимиздан чиқармасликка ҳаракат қилмоғимиз зарур.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди